

ЎЗНОНСИ

Ушбу сонда:

- 2 КАСАБА УЮШМАЛАРИ — меҳнатқашларнинг ҳамкори ва таянчи
- 3 МИЛЛИЙ ҲОЯ ТАРҒИБОТИ
- 4 НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида

Энг қадимий ва асл миллий қадриятларимиздан бири бўлиб Наврўз мустақиллик йилларида юрти- мизда яшаётган барча миллат ва эллар учун том маънодаги умумхалқ байрамига айланди. Наврўз руҳи ва фалсафаси одамзотни табиат билан уйғун яшашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан айниқса эътиборлидир. Кейинги пайтда бу байрамни барча ҳудуд ва минтақаларимизда, маҳалла ва меҳнат жамоаларида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 128-қарорида белгиланган тартибда, маҳаллий иқлим ва табиий шaroитдан келиб чиққан ҳолда, катта шодибна билан нишонлаш яхши анъанага айланиб бормоқда. Бу йилги Наврўз байрамини ҳам ҳар томонлама юксак даражада, уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш учун қўлай шарт-шaroит яратиш мақсадида:

1. Мустақиллик куни ва Наврўз умумхалқ байрамларини ташкил этиш бўйича доимий фаолият курсатчи Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Наврўз байрамини ҳамда байрам томошаларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий, маданий-маърифий ишлар дастурини, жойларда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини:


 - Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда жойларда байрам тadbирларини халқ сайилари ва оммавий спорт уйлари шаклида ташкил этиш, уларда аҳолининг кенг қатламини иштирок этишини таъминлаш мақсадида турли қўриқ-танловлар уюштирсин;
 - ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тadbирларни ташкил этсин;
 - байрам тadbирларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада хонандаларини танлов асосида жалб этсин;
 - муҳим саноят иншоотлари ва ижтимоий объектларини Наврўз умумхалқ байрамига ишга туширишни ўз вақтида тугаллаш учун тегишли тadbирларни белгиласин.
 - 3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий тadbирларни ўтказиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2003 йил 13 январдаги 15-қарори талаблари асосида Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш учун жойларда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.
 - 4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тadbирлари:

 - Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;
 - Тошкент шаҳрида республика бюджет ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўлланади.
 - 5. Республика «Маҳалла» жамғармаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2007 йил март ойида мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари ҳамда 10-11 март кунини:

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2007 йил 23 феврал

Жараён



Хар тонг ишга, ўқишга, бирор юмушга отланган чоғингизда супуриб-сидирилган, сув сепилган йўлларда юриш қанчалик гаштли эканини ҳис этганмисиз? Қолаверса, бу ҳолат киши руҳиятига таъсир қилиб, кайфиятини кўтарди ва иш унумини оширишга ёрдам беради. Ана шу тозаланиб қолган, атроф-муҳитни яшилдирилган бўшқоқлик ва муассасалар ишчи-хизматчиларининг «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ҳисоб рақамларига бир кунлик иш ҳақи миқдоридан маблағ ўтказиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Р.Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси, ўрмончилик илмий-тадқиқот институти маҳаллалар ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ва янги боғ-роғлар барпо этиш учун зарур бўлган манзарали ва мевали даракт кўчатларини тегишли ташкилотларга буюртма асосида ўз вақтида etkazиб беришни таъминласин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш бoрасида амалга ошириладиган ишларни кенг қўламада ёритиб бориш тавсия этилсин.


8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юксатилсин.

И.КАРИМОВ

Тиб илмининг донишманди, аллома бобомиз Ибн Сино «Хавода агар чанг ва губор бўлмаганида инсон минг йил умр кўрар эди», дея бежизга айтмаган. Бинобарин, чанг-тўзону турли тугун ва ҳидлар, атрофдаги чиқиндилар бевосита инсон умрига салбий таъсир кўрсатишини таъбат билан бир қаторда бошқа фанлар ҳам исботлаган. Шундай экан, тозаланиб, саранжом-саришталик барча ишларнинг дебوحаси бўлмоғи зарур.

боғдорчилик ва гулчилик очик ҳиссадорлик жамияти таъминлайди. Зулхумор Мирзаева, Мухтабар Раҳмонова, Холида Икромова, Татьяна Мансурова каби кўп йиллардан буюн меҳнат қилиб келадиган ишчи-хизматчиларимиз номи жамоада хурмат билан тилга олинди. Шу ўринда кенг қўламли ишчимизда энг катта ёрдамчи ҳамшахрларимизнинг ўзлари бераётганлиги

лиги ва ҳоказо тadbирлар учун маблағ ажратиш кўзда тутилган. — Бошқармада меҳнат қилаётган 8000 дан ортик ишчи-хизматчиларнинг 2000 нафари аёллардир. Улар учун қўлай ш-



ГўЗАЛЛИК ЯРАТИШ ОСОН ЭМАС



роит яратиш ижтимоий ҳимоянинг муҳим шакли ҳисобланади, — дейди бирлашган касабаси уюшма қўмитаси раиси Махбула Мамадалиева. — Утган йили хотин-қизлар байрами Туркистон саройида тантанали тарзда ўтказилди. Унда ишчиларга 110 минг сўмлик совғалар топширилди. Бу тadbирга 2 миллион 372 минг сўм сарфланди. Ходимларнинг фарзандлари «Гулистон» ва «Гулбахор» оромгоҳларида дам олдирилади. Маънавий-маърифий тadbирлар ҳам катта маблағ ажратилмоқда. Соғлом ишчи унумли меҳнат қилади. Маошини тўйларга, яхши кунларга оруз-хавас билан сарфлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам намунали ташкил этилмоқда. Спартакиадалар мунтазам ўтказилди. Хар йили бўлиб ўтадиган минифутбол, шахмат, шашка, югуриш каби турли мусобақаларда жамоа ҳодимлари фаол. Бундан ташқари, бошқарма бадиий жамоаси турли кўрик-танловларда совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Гўзал пойтахтимизга таъриф буюрган хар бир меҳмон майдон ва хийбонларни кўзб, ундаги кўрк ва чиройли дарахтлар ва ранго-ранг гулларнинг ниҳоятда дид билан экиланганини кўрганда, албатта, баҳри дили очилади. Ушбу манзарани бунёд этганларга таҳсин айтилади.

Марказий майдонларни ободонлаштириш махсус бошқармаси бошлиғи Тоҳиржон Бувамуҳамедов биз билан суҳбатда куйидаги-

ларни сўзлаб берди: — Марказий майдонларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва уларнинг санитар ҳолатини сақлаш бизнинг зиммамизда. Бошқармага тегишли 20 та майдон бўлиб, уларда 600 дан ортик ишчи ва хизматчилар фаолият кўрсатади. Шаҳарда айна пайтда яшар ишчи айёми — Наврўзга қизгин тайёргарлик қўриляпти. Саҳналар таъмирланаяпти. Санъат галереяси атрофдаги майдон ободонлаштирилмоқда. Дарахтларга шакл бериш ҳам санъатнинг бир тури, деб бемалол айтиш мумкин. Унда кишидан ижодкорлик қобилияти, маҳорат талаб қилинади. Шу бўйича ўтказилган танловда бошқармадаги аёллари биринчи ўринни эгаллади. Яратувчанлик ишчида меҳнат қилаётган хар бир юртдошимиз кўнгида она ватанин гулу гулзорга айлантириб обод қилиш, уни янада гўзаллаштиришдек ягона мақсад муҳимдир. Бу хайрли ишда эса ободонлаштириш бош бошқармаси ишчи-хизматчиларнинг ўзига ҳос ўрни бор. Қишнинг ёсин, кечаю кундуз тиним билмай меҳнат қилган бу заҳматқашларнинг чинакамига гўзаллик ижодкорларига деб аташ мумкин. Гўзаллик яратиш эса осон эмас. Шу боис уни қадрламоқ лозим.

Хидоят ЖўРАЕВА, «Ишонч» мухбири Икром ХАСАНОВ олган суратлар

Президент интервьюси қизиқиш уйғотди

Утган жума, яъни Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси газеталарда босилган кун эрталаб Тошкент вилояти, Қуй Чирчиқ тумани маркази — Дўстобод шаҳрига йўлим тушди. Шаҳар марказидаги кўчаларнинг биридан ўтиб бораётиб катта бир маросимнинг устидан чиқиб қолдик.

— Биродар, ошга кириш, Мухаммадjon ахамис қизини узатиш, — дейиш йўл бўйида қаторлашиб турган мўйсафидлар. Йўқ деёлмадик, ўзбекчилик. Ҳали ош тортилмаган, амри-маъриф бўлаётган экан. Амри-маъриф қилаётган маҳаллий домлани Зиёвуддин хожи Имомидинов дейишди. У ислом динимизнинг қадри ва унинг асл моҳияти ҳақида гапирар экан, Ўзбекистонда муқаддас динимиз қай даражада улуғланганлигига тўхталиб, Тошкент шаҳри бекорга «Ислам маданияти пойтахти» деб эълон қилинмади, дея таъкидлаб ўтди.

— Тўхтанг, домла, — дедим дарҳол ўрнимдан туриб, — айнан шу масалада Президентимизнинг бугун газеталарда интервьюси босилган, сиздан илтимос, ҳозир шу ерда тўпланганларга ўқиб берсангиз. — Бажонидил, — деди у. Қўлимдаги газеталардан биттасини унга узатдим.

Хамма хушёр тортиб, эътиборни домлага қаратди. У ўқишни бошларкан, тўй эгаси Мухаммадjon Турсунов ёнига келиб: «Яхши қилдингиз, бу янгилик шу бугунданок шахримиз, бутун туманимиз микёсида тарқалади. Бу ерда хамма жойдан одам бор. Қизим ҳам эътиқодли, илоё борган жойида бахтини топсин» деди.

Овозлар эшитилди: — Юртимизга Оллоҳнинг назари тушганини рост бўлсин! — Азиз-авилеяр руҳи қўласин! — Динимизни қўллаганим — эл қўлайди! — Бугунги кунда ислом динига нисбатан...» деб бошланадиган хат боши

ЭЪТИРОФГА ЭЪТИБОР БИЛАН

ўқилганидан кейин домла бир дақиқа сукут сақлади ва мурожаат қилиб деди: — Биласизлар, одамлар орасида «Ўзбекистонда дин эркинлиги таъбиқ қилинапти» деган иғво гапга ишониб юрганлар бор. Баъзилар эса билиб-билмай динга бўлган муносабатга шубҳа билан қарайдилар. Шунинг учун мана бу абзацни тўлиқ қайта ўқиб бермоқчиман: «Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг ҳақиқоқ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳен кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби — биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва барикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва зғуликка чорлаш, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарини аждоқлардан авлодларга etkazишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айна пайтда бу ҳолат динимизнинг умумбаршарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади.» Муқаддас динимизнинг қадри ва

аҳамиятига бу даражада ҳаққоний баҳо берилганлигидан кўпчилик тўқилмади кетди. «Омин, — дейишди одамлар дуога қўл очиб, — йимон-эътиқодга кенг йўл очиб, динимизнинг қадр-қимматини оширган юрда Оллоҳ тинчлик ва осойишталикни барқарор, насибамизни бутун қилиб, азиз Ватанимизнинг шон-шухратини янада зиёда қилсин!»

Бу масалага муносабат ош устида ҳам тўхтамади. — Уч-тўрт ой олдин бизга тош отишгани эсимда, — дейди тўй эгасининг қудаси Эргаш ака, — мана бун қаранг, хўп ажойиб иш бўлибди-да. Аслида бу фақат Тошкентга эмас, бутун Ўзбекистонга берилган баҳо!

— Бундай пайтда фахрланмай бўладими? — ҳаяжонини яширолмайти Оловуддин Зайнов. — Юртбошимиз айтганларидек, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни йўлаб яшаш, савоҳат ва мурувват сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиэ отади ва ривожланади. — Дунёда бизнинг ўзбеклардек эътиқоди мустаҳкам халқ бўлмаса керак. Мустаҳкам эътиқод бизни ҳалол меҳнат орқасида ҳаёт кеңиришга ундаб туради, — дейди шу ерлик фермер Аҳмадjon ака.

Шу кун тушдан кейин Зиёвуддин хожи Имомидинов менга Дўстободдан кўнгироқ қилиб шундай деди: — Бугун туман марказидаги масжидда ўқилган жума намозидан олдинги амри-маъриф ҳам Тошкент ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниб, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекёёс ҳиссасининг юксак эътирофига бағишланади.

Азиз-авлиёси улуг юртни ва эътиқоди мустаҳкам халқни Оллоҳ бундан ҳам зиёда қилсин!

Иброҳим НОРМАТОВ, «Туркистон-пресс»

ЖУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАНГ

Газетанинг 20 феврал 23-сониде берилган «Элга қиш осони ми?» мақоласини ўқиб, қўлимга қалам олдим. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунининг янги таҳририда журналистлар учун катта энгилликлар билан бирга, улкан масъулият ҳам юклатилган. Бир мақолани мухбир ёзади, таҳририятда бир неча киши кўриб чиқади, шундан сўнггина уни миллионлаб кишилар ўқийди, яхши чиқса «балли», «отанга раҳмат», — дейишди. Танқидий чиқса, аксинча, ёқмаганлар афтини буриштиради.



Шу ўринда газета савияси яхши

Акс садо

лика оид қизиқарли мақолалар тез-тез чоп этилмоқда. «Касаба уюшмасида нима гап?», «Маърифий сабоқлар», «Менда фикр бор», «Ўзлик» каби рунқлар остидаги мақолалар айниқса эътибор тортапти. Шунингдек, меҳнат қўнчилигини бузган иш бевуричлар, ҳодим ва касабаси уюшмасининг қонуний манфаатларини пиланд қилмаган раҳбарларни ҳаққоний танқид остига олган мақолалар газета нуфузини оширмоқда.

«Ишонч» номи бу халқнинг газетига берган баҳоси хамдир. Истагимиз: бундан кейин ҳам долзарб мавзулардаги мақолаларнинг савимили газетамиздан кутиб қоламиз.

Ш. ХАЛИЛОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Навоий вилоят Кенгаши раиси

Долзарб мавзу

Бугунги кунда вилоят ҳудудида 60 та юридик шахс мақомига эга ишти-

БОЗОРЛАРНИНГ ҚўРАЙИШИ

нарх-навони арзонлаштиради, маҳсулот сифатини яхшилайди

Бозор ўз номи билан бозор, — дейди жамият раҳбари қатъий қилиб. — Кимнинг маҳсулоти арзон ва сифатли бўлса, ўшанинг харидори кўпаяди. Аниқланишicha, жамият билан тузилган шартномага асосан тоғли қишлоқда яшовчи дехқон бир машина олма олиб келиб, арзон нархда пуллаётган экан. Унинг бу ҳаракати бозорни эгаллаб олган «олибсатар»ларга ёқмай қолибди. Бундан аҳоли мамун, «тадбиркор»лар эса норози.

Бозорларнинг қўрайиши арзонлаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга йўналтирилган бозорлар бўлиб, таркибиде 78 та шохобчалар фаолият кўрсатмоқда. Биргина «Бозорсавдо» бошқарувиға қарашли жамиятларда йиллик тушум 1 миллиард 74 миллион сўмини ташкил

эти ёки бурноғи йилига қараганда икки баробарга кўпайди. Умуман, бозорларда гўшт, туҳум, сабзи, шолғом, картошка, пивё, қўхат каби маҳсулотлар нархи арзон.

Қарши шаҳрининг 2700

(Давоми 3-бетда)



Спартакиада

МЕН, ОТАМ ВА ОНАМ — СОҒЛОМДИР ОИЛАМ

Мамлакатни дунёга ҳеч бир нарса спорт каби тез ва кенг танитолмас керак. Шунинг учун юртимизда барча соҳалар қатори спортга хусусан, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, спорт турларини оммалаштириш, турли-туман мусобақаларни анъанавий равишда ўтказиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Чилонзор туманида аҳоли ўртасида жисмоний маданият ва спортни ривожлантириш мақсадида турли мусобақалар ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Яқинда туман таълим ва фан



ҳодимлари қасаба уюшма кенгаши, халқ таълими бўлими, хотин-қизлар кенгаши ва маданият бўлими ҳамкорлигида ташкил этган мусобақа ҳам ана шундай сай-ҳаракатлар маҳсулидир. 168-мактабда уюштирилган «Мен, отам ва онам — спортчидир оилам» дея номланган мазкур мусобақада кўплаб оилалар узаро куч синашди.

Хар бир гуруҳ иштирокчилари спортнинг узунликка сакраш, қопток ва обрўч эстафетаси, арғамчида сакраш ва бошқа бир-бирдан қизиқ ҳамда мураккаб шартларини қақдон, тез баҳарига ҳаракат қилишди.

Мусобақанинг очилишида ва шартлар оралиғидаги таънафус чоғида 204-боғча-мактаб қошида ташкил этилган «Орау-шоу» гуруҳи катнашчиларининг ижро этган рақс ва кўшиқлари мусобақага ўзгача шухуқ бағишлади. Санъат ва спортнинг уйғунлашуви нақадар жозибали эканлигини яна бир бор намойён этди.

Мусобақа ташкилотчиларидан Таълим ва фан ходимлари Чилонзор туман қасаба уюшма кенгаши раиси Улмас Қажорвани сўхбатга тордик.

нинг ўқувчилари «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида фахри ўринларни кўлга киритиб келишмоқда. Уқувчилар ўртасида турли маззурларда спартакиадлар ўтказиш анъана тўсиға кириб қолган. Масалан, яқиндагина «Спорт билан ҳамнафас ўқитувчи» мусобақаси ўтказилган эди. 8-март халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ҳамда Ижтимоий Ҳимоя йили муносабати билан бугунги мусобақа ташкил этилди. Унинг дастлабки босқичи барча мактабларда бўлиб ўтди. Ҳали командалар финалда беллашмоқда.

Мусобақа якунларининг эълон қилиниши хар бир иштирокчи учун ҳаяжонли кечини табиий. Финал босқичида 162-мактаб командаси ғолиб деб топилди. 188- ва 168-мактаблар иккинчи, учинчи ўринларга сазовор бўлишди.

Ушбу мусобақада қўлимиз билан келадиган, деб сира қутмаган эдик. Шунинг учун жуда ҳаяжондадим, — дейди ғолиб гуруҳ сардори Аҳсам Маҳаммадов. — Фарзандларим ва турмуш ўртоғим билан кейинги мусобақаларга янада куч-ғайрат билан тайёргарлик қураимиз. Агар оилада спортга иштиёқ бўлса, ишда ҳам, ўқишда ҳам унум ортади.

Соғлом танда соғлом ғоялар туғилади. Айниқса, оилада спортга, жисмоний маданиятни шакллантиришга эътибор берилса, айни мудда бўлади ва қўланган мақсадга эришилади. Юқоридаги тадбир эса бу борадаги ишларнинг кенг қўламада тус олаётганидан далолатдир.

Хидоят ЮСУПЖОНОВА,
«Ишонч» муҳбири
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Спорт МАДИНА — КУБОК СОҲИБАСИ

«Чимён» тоғидаги спорт базасида тоғ чангиси бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг энг кучли 30 нафар тоғ чанги спортчи усталири «слапом-гигант» ва «максус-слапом» баҳсларида ғолиблик учун курашдилар.

Икки кун давом этган мусобақанинг биринчи кунинда слапом-гигант бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

- Эркактлар**
1. Денис Григорьев
 2. Наил Шириязданов
 3. Дмитрий Бадиков

- Аёллар**
1. Ксения Григорьева
 2. Наталья Шамаева
 3. Мадина Расулова
- Махсус-слапом бўйича эса ғолиблар тартиби куйидагича бўлди:

- Эркактлар**
1. Наил Шириязданов
 2. Олег Шамаев
 3. Денис Григорьев

- Аёллар**
1. Мадина Расулова
 2. Оксана Зуева
 3. Гулнара Собирова

Шунингдек, 20—24 феврал кунлари тоғ чангиси бўйича Ўзбекистон чемпионати (катталар ва ёшлар ўртасида) баҳслари ҳам бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада ҳам Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли қишқик спорт турларига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари Артем Бородайкин, Мадина Расулова, Оксана Зуева, Гулнара Собирова, Куаниш Раимбеков, Асел Кенжебаева, Собит Алибеков, Темур Собиров, Евгений Зуев, Бахит Гаюбов, Аркадий Семеновколлар ғолиб ва совриндорлар сифидан ўрин олишди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

Биласизми?

Ўрта аср шарқнинг биринчи аёл тарихчиси Гулбаданбегим саналади. У ўзининг «Хумоюннома» асари билан машҳур. Гулбаданбегим ижодида отаси Бобурнинг таъсири ниҳоятда катта ўрин тутди.

Жаҳон фани тарихининг зарваракларидан Софья Васильевна Ковалевскаянинг номи ҳақли равишда ўрин олган. Зеро, у рус хотин-қизлари орасида етиштиб чиққан биринчи математик аёл, дунёда биринчи аёл профессор ва Петербург фанлар академиясининг мухбир аъзоси эди.

Биринчи профессионал шифокор аёл Элизабет Блеквелл бўлган. Биринчи жарроҳ аёл эса унинг синглиси эди.

Биринчи вазир аёл Александра Коллантай бўлган. У 1917 йил 8 ноябрда ташкил этилган инқилобий ҳукумат таркибида жамоатчилик назорати ишлари бўйича халқ комиссари эди.

Ақбар АЛИЕВ
тайёрлади



Собир Раҳимов туманидаги 464-«Ширинтой» мактабига таълим муассасасида педагог-тарбиячиларнинг сай-ҳаракатлари билан болажонларнинг ақлий қобилиятларини ўстириш мақсадида илғор услубий қўлланмалардан фойдаланилмоқда.

Хусусан, жажжиларнинг «Дўмбоқлар куйлайди», «Инглизча сабоқлар», «Иккинчи тилини ўрганиш» дастурларидан баҳраманд бўлаётгани тарбияланувчилар ва уларнинг ота-оналарини ғоят хушнуд этмоқда.

Яқинда туман халқ таълими бўлимининг «Болаларни иккинчи тилга ўргатиш» услубий бирлашмаси ййгилиши ҳам ушбу таълим

муассасасида бўлиб ўтди. 57-та таълим муассасаларидан ташриф буюрган тарбиячилар тайёрлов гуруҳида рус тилини ўрганиш бўйича ҳаммаслари олиб бораётган амалий машғулотлар билан яқиндан танишдилар.

Иштирокчиларда болажонлар иккинчи тилда бемалол гаплашишлари, шезр, кўшиқ ижро этиб берганиликлари катта таассурот қолдирди.

Суратларда: болажонлар машғулот пайтида.

А. ХУДОЁРОВ
олган суратлар

«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2007 йил 29 март, 3 апрел кунлари соат 11.00да Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 7 уйда жойлашган ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yagmarka» АК «Узулгуржисавдо»нинг биносидан, объектининг бошланғич баҳоси қадам қадам ошиши тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент вилояти Хўжалик судининг қарорига асосан банкот деб эътироф этилган «ZANGIOTA AVTOBUS-TAKSI SAROVI» ОАЖ балансидаги, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин к.ф.й., Катта ўзбек тракти кўчасида жойлашган мол-мулкларни мулкчи мажмуа сифатида қўйилади, бошланғич баҳоси — 196 000 000 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмий-Манилими: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй, ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yagmarka» АК «Узулгуржисавдо» биноси, 4-қават, 428-хона.

Маълумот учун телефон: 142-43-97- Факс

ҚИШЛОҚ-ХЎЖАЛИГИ, КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР-ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти

* Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотишини маълум қилади.

* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
* Автомобилларга бошқона солиғи тўланган.
* Уларнинг сифати тўла қафолатланади.



Манили: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 276-33-51, 276-77-20 Факс: (8-371) 276-97-40

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Фарғона вилоят қасаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси бош ҳуқуқшуноси

Ботир ТўЛАНОВнинг вафот этганиги муносабати билан оила аъзолари ва яқинлариға чуқур таъзия изҳор этади.

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий Вакиллари Марказий кенгашининг бош мутахассиси А.Тошпулатовға акаси

Учқун ТОШПУЛАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Навоий сабоқлари

Бобокалонларимиз китоб топишга қийналар эдилар: ҳозирги давримизда эса биз китоб танлашга қийналамиз. Мутолаа учун жуда зийрак бўлмоқ лозим.

Жон ЛЕББОК

«ЎЗНИ МАҚБУЛ ИСТАСАНГ, ТУФРОҚ БЎЛ...»

XXI асрга келиб дунё ривожланишида кундан-кунга шаддам қадамлар билан илдамлаб бораёпти. Маълумотлар, ахборотлар хар соат, хар дақиқада янгилашиб, қўлаймоқда. Лекин бу макон ва замон учун яратилган маълумотлар ёш авлоднинг дунёни англаши, фикрлаш қобилияти ривожланиши, виждон эркинлигини тўғри шакллантириш учун ёрдам бера оладими?

Хар бир тенгдошим Алишер Навоийнинг «Вақфия» асарини ўқиши керак, деб ўйлайман. Чунки бу асардан ўзим учун жуда кўп фойдали фикрларни олдим. Ишончим комилки, иш юритувчилар, бошқарувчилар учун унда ниҳоятда керакли маслаҳатлар бор. Ушбу китобнинг афзалликлари билан яна бири — давлатни бошқариш қонуниятларини кўрсатишда ўзимизга хос миллий анъаналарга, ижтимоий қадриятларга суяниш.

Алишер Навоий асарининг кириш қисмида ўзини таништиради. Шундай буюк зот бўлишиға қарамасдан, у ўзини камтарлик қилиб тупроққа тенглаштиради. У ҳеч қачон, ҳатто шохнинг лутфу қарамиға сазовор бўлган даврларида ҳам димоғлини кетмади. Келинг, яхшиси «Вақфия»дан келтириб ўтамиз: «Гарчи тупроқ билан баробар бўлганим (яъни Навоийнинг) ота ва бобоси ул Ҳазратнинг (Хусайн Бойқаро) ота-боболарининг хизматларида, хар бири салтанат қонининг гахари ва шижоат ўрмонининг арслони бўлиб улғу мартабаларға сазовор ва баланд мансабларда ўз мақсадларига эришган бўлсалар-да, мен ўз қобилиятимни синамаганим ва ҳеч қандай машаққатда ўз кучимни билмаганим сабабли барча орзулар эшитгани юзимға ёпиқ ва ҳамма мақсадлар эшикларини ўз қаршимда берк, деб билган эдим... Сустқашлик ва эътиборсизликни раво тутмадим...»

Алишер Навоий Хусайн Бойқаро хизматига ишлаганда анча қийналганиға қарамасдан ўзини бахтли деб билди:

**Иқбол итвозкор, бахт шерик бўлди,
Кўёш йўлбоши, осмон хизматчи бўлди.
Бу менға муяссар бўлган мартаба олам элидан
кимға яна берилган эди?**

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, инсон бирон-бир мансабни эгаллаганда, ҳеч қачон ундан ўз мақсадлари, эҳтиёж ва манфаати йўлида фойдаланмаслиғи керак.

Нима қилиш кераклигини эса Навоийнинг ўзидан ўқисак: «...бирор ишға киришганда ҳеч қачон ўз мақсадим ва манфаатим кўзға қўринмас эди. Ниманики қўзлаган бўлсам, фақат тангри учун яна у Ҳазратнинг муборақ хотири учун, яна мусулмонларға яхшилик бўлиши учун эди».

Навоий ўз олдиға жуда машаққатли, оғир талабларни қўйди. Энг аввало у нафс, хирс-ҳавас, инсоннинг қўзини кўр қилиб қўядиган иллатларни жиловлаш, унга қўл бўлиб қолмаслик кераклигини таъкидлайди:

**То хирс ва ҳавас хирмони шамолға совурилмаса,
То нафс ва ҳаво қасри йиқитилмаса,
То зулму ситам жонига азоб етказилмаса,
Эл шод, мамлакат обод бўлмажак.**

Давлатни душманлардан ҳимоя қилиш хар бир инсоннинг Ватан олдидаги энг асосий бурчидир. Навоий ҳам кучи, имконияти етганича ганимлардан юртни қўриқлади. Унинг ўзи бу ҳақда шундай деган: «Қўлимдан келганича зулм тигини парчалаб мазлумнинг яраларига ўч малҳамини қўйдим. Қўлимдан келмаганини ул Ҳазратға (Хусайн Бойқаро) арз қилдим».

**Шоҳ адолат уйини қураман, деб
Қанча мумкин бўлса, шунча интилдим.
Тангридан шамға қанча нур етар бўлса,
Парвона жони куймагидан шунча узрли бўлади.**

Алишер Навоий яхшилик қилиб, ҳеч қачон ундан бирор манфаат, жавоб қуттиш керак эмаслигини ўқтиради. Алишер Навоий ўзи қурдиртирган «Ихлосия» мадрасасининг қаршисида, катта қўчаннинг жанубий четида «Халосия» хонақоҳини қурдиртиради. Аҳоли билан жомеъ масжидлар орасидаги масофа узоқлиғи туфайли Навоий жума намозини ана шу хонақоҳда ўқишини тайинлайди. Бу ерда Хусайн Бойқародан давлати давомли ва салтанати барқарор бўлиши учун хар кун камбағаллар ва ерда яшовчиларға таом бериб турилади ва хар йили эҳтиёжи борларға кийим етказиб берилади.

Алишер Навоий Ватаниға, ўз шоҳиға, дўсти ва халқига умр бўйи хизмат қилди ва садақат ҳайкалини қўйиб кетди. Ешлигининг энг ғайратли кунлари — йигитлик даврларини у шаханшоҳ хизматида ўтказди. Бундан у ҳеч қачон афсусланмади ҳам. Ўзи бу ҳақда шундай деб таъкидлайди: «Худоға шўқри, менинг бу ҳаётим гулбунининг гуллари у Ҳазратнинг (Хусайн Бойқаро) хизмати баҳоридан очилди ва йигитлигим дархатларининг гўнчалари ҳам у Ҳазрат (Хусайн Бойқаро) мулозамати ҳавосида сочилди ва у гуллардан кўп мақсадлар ниҳоллар ҳаётим мақсадини баҳраманд этди».

Навоий шоҳ хизматида кўп ҳам халоват топмади. Чунки у ўзи севган машғулоти — ишқ билан шуғуллинишға вақт топа олмади. Тонгдан то кенгача шу халқнинг илтимосларини, талабларини, арзларини, азобларини, гиналарини ва тақлифларини эшитар, муаммоларни бар-тароф қилиш йўларини ўйлаб бoш қотирарди.

**Тонги йўқ кечам тугамайди, гамимдан шарқини
ёзаберсам,
Осмонлар варақ, у тун қораси сиёҳ бўлади.**

Гулсарвар РАУПОВА,
Тошкент Молия институти талабаси



БОШ МУҲАРРИР

Абдуҳолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир хайъати:

Алла Долженкова,
Виктор Зверев

(бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,

Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,

Ойсулов Нафасова,
Пиримқул Қодиров,

Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,

Элёр Ёқубов,
Ғулмоққир Юсупов

Бизға кўнгирик
қилинг:

Котибият

153-52-78

Бўлимлар

Қасаба уюшмалари
ҳаёти бўлими:
153-87-63

Хуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими:
153-87-73

Ижтимоий-иқтисодий
сиёсат бўлими:
153-87-74

Миллий-маънавий
қадриятлар ва спорт
бўлими:
153-82-79

Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш бўлими:
153-85-43

Реклама ва эълонлар
бўлими:
153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент
шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи:
133; 134

E-mail:
ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг

сешанба,
пайшанба ва
шанба кунлари
чиқади.

Навбатчи котиб -
А.Алламуродов

Навбатчи муҳаррир -
А.Ҳақбердиев

Навбатчи - А.Абдиев
Мусаҳоҳ - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси
босмаҳонасида
чоп этилди.

Қорхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
0116-рақам билан
руйхатга олинган.

IBM компютерида
терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.

Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нарҳда.

Босишға топшириш
вақти - 21.00.
Топширилди -

Буюртма Ғ — 115

Тиражи: 19219

1 2 3 4 5